

Х У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

2018 йил декабрь ойининг 03-куни жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг очик суд мажлиси, жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: Ф.Ш.Пардаев,

Ғ.Мусурмановнинг котиблигида, тарафлардан Дўстлик туман прокурорининг ёрдамчиси Ж.Ниязов, судланувчи У.Кобиловнинг иштирокида, Кобилов Улуғбек Юляхшиевичга нисбатан жиноят ишини кўрди.

Судланувчи **Кобилов Улуғбек Юляхшиевич** (Kobilov Ulugbek Yulyaxshiyevich) - 1973 йил 29 апрелда Жиззах вилояти, Фориш туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, Дўстлик донмахсулотлари” АЖда ишчи бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Дўстлик тумани, А.Навоий маҳалласи, Нодирабегим кўчаси, 15-уй, 15-хонадонда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2018 йил 29 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд иш ҳолатлари билан танишиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳамда прокурорнинг фикрини тинглаб, ишда тўпланган бошқа далилларни суд терговиди таҳлил қилиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи **Кобилов Улуғбек Юляхшиевич**, 2018 йил 6 ноябрь куни, соат 22.00 ларда, ўзининг бошқарувидаги “ГБА СПГ МАТИЗ” русумли, 25 G 369 DA давлат рақамли автомашинасини Дўстлик туманидаги “Янгиер-Дўстлик” 4P31 автомобил йўлининг 72 км.да Дўстлик йўналишида бошқариб бораётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 135-банди 2-қисми талабларига мувофиқ, ҳайдовчи кўзи қамашганда авария ишораларини ёқиши, ҳаракатланиш бўлагини ўзгартирмасдан тезликни камайтириши ва тўхташи кераклиги, 77-банди 1-қисми талабларига мувофиқ, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракат йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши кераклиги, 77-банди 2-қисми талабларига мувофиқ, тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабаларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, 77-банди 3-қисми талабларига мувофиқ, руҳсат этилган максимал тезлик билан ҳаракатланиш ҳар доим ҳам хавфсиз бўлавермаслиги, ҳайдовчи танлаган тезлик, йўлда хавф пайдо бўлганида, транспорт воситасини тўхтата оладиган даражада бўлиши кераклиги, бунинг учун ҳайдовчи кўриниш масофасидан ўтиб кетмаслиги (автомобилнинг тўхташ йўли - ҳайдовчи хавфни кўриб тўлиқ тўхтагунча ўтган масофа) кўрсатилган бўлсада, ушбу йўл ҳаракати қоидаларини кўпол равишда бузиб, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан,

йўлнинг ушбу қисмида кўзлари номаълум автомашина чироқлари ёрдамида камашиб қолган бўлсада, шу заҳоти тўхтатиш чорасини кўрмасдан, автомашина руль бошқарувини йўқотиб, йўналиши бўйича йўлнинг чап томонига тушиб кетиб, йўл улов ҳодисаси содир қилганлиги натижасида, автомашина саломида бўлган йўловчи, Дўстлик тумани, Саритепа ҚФЙ, А.Навоий кўчаси 23-уй, 2-хонадонда яшовчи, Турдалиев Нуриддин Пўлатович суд-тиббий экспертизасининг 2018 йил 10 ноябрдаги 64-сонли хулосасига кўра “Ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати” олиб, ўлимига сабабчи бўлган.

Қайд этилганларга кўра, судланувчи У.Кобилов “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларига риоя қилмасдан, эҳтиётсизликдан Н.Турдалиевнинг ўлимига сабаб бўлган йўл улов ҳодисаси содир қилиб, транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганликдаги қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилган.

Судда **судланувчи** тариқасида сўралган **У.Кобилов** айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, “Дўстлик донмахсулотлари” АЖда ишчи бўлиб ишлашлигини, ўзига тегишли бўлган Матиз русумли, 25 G 369 DA давлат рақамли автомашинасини ўзининг шахсий ишлари учун бошқариб келишлигини, 2018 йил 06 ноябрь куни, соат 19.00 ларда, ишдан автомашинасида чиқиб, йўлда ўзига олдиндан таниш бўлган, ўзи билан бирга ишловчи Турдалиев Нуриддин ва Турсунмуродов Абдумўминларни кўриб, автомашинасида уларнинг олдига келиб тўхтаганлигини, шунда А.Турсунмуродов ундан 11 совхозга, уйигача ташлаб қўйишни илтимос қилганлигини, шунда рози бўлиб уларнинг иккаласини ҳам автомашинасига ўтирғизиб, биринчи А.Турсунмуродовни уйига ташлаб қўйганлигини, кейин Н.Турдалиев иккаласи Дўстлик туманига қайтиш учун йўлга чиққанлигини, шу пайтда Н.Турдалиев унинг ёнидаги олд ўриндикда ўтирганлигини, Дўстлик туман ЙПХ масканига етай деганида, қарама-қарши йўналишдан, бир номаълум автомашина узокни ёритувчи чироқларини ўчирмасдан ҳайдаб ўтиб қолганлигини, шу пайтда ўзининг тезлиги 60 км.соат атрофида эканлигини, қарама-қарши йўналишдан келаётган автомашинанинг чироқлари кўзини қамаштирганлиги учун, йўлнинг бурилиш қисмини кўрмай қолиб, йўлнинг чап томонига пастликка тушиб кетганлигини, бу вақтда Н.Турдалиев унинг ёнида ухлаб келаётган бўлганлигини, автомашинаси пастга қараб ағанаб кетганлигини, шунда ўзи ҳам ҳушини йўқотиб, кейин нима воқеа бўлганлигини эслай олмаслигини, Дўстлик туман касалхонасида ҳушига келганлигини, ушбу йўл улов ҳодисаси натижасида Н.Турдалиев ҳам тан жароҳати олиб, касалхонада вафот этганлигини эшитганлигини, шу куни спиртли ичимлик истеъмол қилмаганлигини, бошқарувидаги автомашинаси соз ҳолатда бўлганлигини, йўл ҳаракати қоидаларини билишини, вафот этган Н.Турдалиевнинг оила аъзоларидан кечирим сўрашганлигини, унинг дафн маросими ва маракаларини ўтказишга ёрдамлашганлигини, етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаб берганлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, суддан енгиллик беришни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатув берди.

Судланувчи У.Кобиловнинг жинояти унинг судда ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда **жабрланувчининг**

қонуний вакили тариқасида сўралган **Ф.Турдалиевнинг** судланувчи У.Кобировни яхши танишлигини, У.Кобиров акаси Турдалиев Нуриддин билан бирга “Дўстлик донмахсулотлари” АЖда ишлашидан хабари борлигини, акаси Н.Турдалиев ундан 2 ёш катталигини, акасининг 3 нафар фарзандлари борлигини, 2018 йил 6 ноябрь куни, акаси Н.Турдалиев ишдан У.Кобировнинг автомашинасида уйга қайтаётганида, йўл улов ҳодисасига учраб вафот этганлигини, акаси Н.Турдалиевни 2018 йил 7 ноябрь куни Саритепа ҚФЙ қабристонига дафн этишганлигини, автоҳалокат содир қилган ҳайдовчининг оила аъзолари дафн маросимини ўтказишда моддий тарафдан ёрдамлашганлигини, ўзи ундан ва қариндошларидан кечирим сўраганлигини, судланувчи У.Кобиров томонидан унинг оиласига етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қоплаб берилганлигини, шу сабабли судланувчи У.Кобировга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Судда **гувоҳ** тариқасида сўралган **А.Турсунмуродовнинг** “Дўстлик дон махсулотлари” АЖда лобаратория бўлимида метролог бўлиб ишлашлиги, судланувчи У.Кобиров ва марҳум Н.Турдалиевларни яхши танишлиги, У.Кобиров ва Н.Турдалиевлар билан бирга ишлашлиги, 2018 йил 6 ноябрь куни соат 18.00 ларда Н.Турдалиев билан бирга ишдан чиқиб, Дўстлик туман марказидаги чойхоналардан бирига кириб овқатланишганлиги ва озгина ароқ ичишганлиги, шундан кейин уйга кетиш учун кўчага чиқишган вақтида, У.Кобиров ўзининг Матиз русумли автомашинасида келиб қолиб, уларни кўриб олдида тўхтаганлиги, шунда У.Кобировдан уни 11 совхозга уйигача ташлаб қўйишини илтимос қилганлиги, шунда Н.Турдалиев ҳам У.Кобиров билан бирга бориб келишини айтиб, автомашинага ўтирганлиги, У.Кобиров уни уйига ташлагач, Н.Турдалиев иккаласи биргаликда У.Кобировнинг автомашинасида қайтиб кетишганлиги, уйига боргач, ётиб ухлаганлиги, шундан кейин 7 ноябрь куни эрталаб уларни йўлда автоҳалокатга учраганлигини ва бу автоҳалокат натижасида жароҳат олган Н.Турдалиевни касалхонада вафот этганлигини эшитганлиги, 6 ноябрь куни У.Кобиров уни уйига ташлаб келган вақтида, унинг спиртли ичимлик ичган ичмаганлигини сезмаганлиги, У.Кобиров ҳар доимгидек ўзини тутганлиги, уни мастлигини сезмаганлиги, агар ичган бўлганида буни сезган бўлишлиги ҳақидаги кўрсатуви;

Воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган воқеа жойининг чизмаси, фотосуратлари (и.в. 3-14 б.), транспорт воситасининг техник ҳолатини кўздан кечириш ва текшириш баённомаси (и.в. 15 б.), йўл улов ҳодисаси бўйича маълумотнома (и.в. 16 б.), судга оид автотехника экспертизасининг 2018 йил 19 ноябрдаги 772-сонли хулосаси ва фотосуратлар (и.в. 35-42 б.), судга оид тиббиёт экспертизасининг 2018 йил 10 ноябрдаги 64-сонли хулосаси (и.в. 43-46 б.) ҳамда жиноят ишида тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида

текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак” дейилган талабидан келиб чиқиб, суд судланувчи У.Кобиловнинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топди.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи У.Кобиловнинг “Йўл ҳаракати қоидалари”га риоя қилмасдан, эҳтиётсизликдан Н.Турдалиевнинг ўлимига сабаб бўлган йўл улов ҳодисаси содир қилиб, транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузганликдаги жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи У.Кобиловга жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари йўқлигини эътироф этган ҳолда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, шахси яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини ва жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, жабрланувчининг вакили Ф.Турдалиевнинг судланувчига даъвоси йўқлигини билдириб берган илтимосномасини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда - ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” дейилган ҳамда 37-бандидаги “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” дейилган талабларидан келиб чиқиб, судланувчини жамиятдан ажратмаган ҳолда ҳам ахлоқан тарбиялаш мумкин деган хулосага келиб, унинг шахсини, ёшини, оилавий шароитини, ва моддий аҳволини инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда унинг жиноий ҳаракати квалификация қилинган ЖК моддаси санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим топади.

Шунингдек суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 29-банди учинчи хатбошида “Агар ЖК моддаси санкциясида кўрсатилган асосий жазога қўшимча жазо мажбурий тарзда тайинланиши белгиланган бўлса, суд ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда, бошқа енгилроқ асосий жазо тайинлаган тақдирда, қўшимча жазо фақат ЖКнинг 45-моддасини қўллаган ҳолда тайинланиши, суд ҳукмининг тавсиф қисмида шундай қарор қабул қилганлигини асослантириши лозим” деб кўрсатилган талабидан келиб чиқиб, судланувчи У.Кобиловнинг юқорида қайд этилган жиноятни бевосита ҳайдовчилик

фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, унга ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо турини тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар тўлиқ қопланганлиги сабабли, ишнинг зарарни ундириш билан боғлиқ қисмини муҳокамадан қолдиришни лозим топди.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 465-468, 472-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади.

Ҳ У К М :

Судланувчи **Кобиров Улуғбек Юляхшиевич** (Kobilov Ulugbek Yulyaxshiyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи **Кобиров Улуғбек Юляхшиевич**га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 2 (икки) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланган ҳолда 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи **Кобиров Улуғбек Юляхшиевич** сутканинг кеч соат 22.00 дан эрталабки соат 06.00 га қадар бўлган вақтда яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Судланувчи **Кобиров Улуғбек Юляхшиевич**га қуйидаги қўшимча тақиқлар юклатилсин:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, Жиззах вилоят ҳудудидан чиқмаслик;
- алкаголли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Судланувчи У.Кобировга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси талаби, яъни ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)ни бузган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган жазо бошқа оғирроқ турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Тайинланган озодликни чеклаш жазосини ижро қилиш Дўстлик туман ИИБ ходимлари зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач У.Кобировга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят судига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтказиб юборилгач эса кассация тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Ф.Пардаев

Аслига тўғри :-